Оиладаги барака ва тотувликнинг замирида фақат билим ва касб-ҳунар мужассам
3-с.

Мақсад шуки, китоб билан камолотга етса авлод...
4-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№2
(2330)

2026 ЙИЛ
10 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 ЙИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

НУРОНИЙЛАР ДИЛИДАГИ ГАП

Кузатган 2025 йилимиз мамлакат миқёсида бўлгани каби Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг салмоғи ҳайратли бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ҳудудлар нафақат бўстон, балки мўъжизалар майдонига айланяпти

Абдусамад НОСИРОВ,
“Нуроний” жамғармаси
Тошкент вилояти бўлими раиси.

Саноат корхоналари бир маромда унум билан ишлади. Йўлларимиз серқатнов бўлди. Бардонларимиз буғдойга тўлди. Мева, сабзавот, узум мўл ҳосил берди. Пахтанинг ғози барака берди. Буларнинг барчаси одамларда бугунги кундан розилик, эртанги кунга ишонч туйғуларини янада ошириб юборди.

Бу туйғу ва ишонч Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга, Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатидан янада куч-қувват олди. Давлатимиз раҳбари ўтган йил натижаларини таҳлил қилиш баробарида, янги марралар, янги вазифаларни белгилаб берди. Мазкур Мурожаатноманинг руҳлантирувчи кучи баланд бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳар қадамда, ҳар лаҳзада кўриш мумкин. Бугун Тошкент вилоятига келган, унинг гўзал шаҳар ва қишлоқларида, мард ва олийжаноб инсонлари даврасида бўлган одам бутун диёримизнинг ҳақиқий файзи ва тароватини юрак-юрагидан тўла ҳис этади. Негаки, Яратган мана шу фусункор юртимизга нимаики ато қилган бўлса, қандай бойликлар, қандай неъматлар билан сийлаган бўлса, уларнинг ҳамма-ҳаммасини Тошкент вилоятида кўриш мумкин.

Давоми 2-саҳифада.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

Аёл муаммоси билан ёлғиз қолмайди, қолдиришга ҳаққимиз ҳам йўқ!

Ўн йилдан ортиқ муддат давомида маҳалла тизимида фаолият юритиб келяпман. Шу йиллар мобайнида тузилманинг босқичма-босқич ривожланиш, юксалиш йўлини кузатдим, унинг фаол иштирокчиси бўлдим.

Муболағасиз айтаманки, сўнгги саккиз-тўққиз йил орасидаги ўзгаришлар маҳаллани чин маънода халққа яқинлаштирди, одамларнинг бизга, маҳалла фаолларига бўлган ишончини оширди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратди. 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши зиммамиздаги масъулият ҳиссини каррасига оширди.

Давоми 2-саҳифада.

ЛОЙИҲА

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030”: МАҲАЛЛА МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини янада такомиллаштириш зарурлигини илгари сурган эди. Шунга кўра, мазкур ҳужжат янада бойитилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

*“Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳасида **маҳалла институтини** ҳудудлардаги кундалик масалаларни ҳал этишда аҳоли, жамоатчилик ва давлат органларини боғлаб турувчи асосий бўғинга айлантириш вазифаси белгиланган.*

Лойиҳага кўра, **аҳоли ташаббуси билан инфратузилмани яхшилашга** ажратиладиган маблағлар ҳажми 24 триллион сўмга етказилади. Бу орқали маҳаллалардаги йўл, ёритиш, ичимлик сув, ободонлаштириш каби долзарб инфратузилма эҳтиёжлари кенгроқ молиялаштирилади.

Маҳаллаларда маблағларни **аҳолининг овозига кўра** инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиёти жорий этилади. Ушбу ёндашув асосида йиғинлардаги муаммоларни ҳал этиш учун ажратиладиган маблағлар миқдори камида 3 баравар кўпайтирилади. Шунингдек, маҳаллаларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 100 дан ортиқ давлат хизматларини **“бир қадам”**да кўрсатиш тизими йўлга қўйилади.

Рақамли йўналишда ҳам қатор мақсадлар белгиланган. Хусусан, маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни 100 фоиз рақамлаштириш, ҳар бир маҳаллада **“электрон хизмат нуқталари”ни ишга тушириш** вазифаси белгиланган. Мақсад — мурожаатларни қабул қилиш, маълумот бериш ва хизматлардан фойдаланиш жараёнларини янада соддалаштириш ҳамда аҳолига қулай инфратузилмани яратиш.

Камида 5 мингта маҳаллада спорт майдончалари барпо этилади. 8 миллиондан зиёд ёш оммавий спортга жалб этилади. Хусусий спорт марказлари, фитнес-майдонлар ва тўгараклар билан ҳамкорлик асосида 7-35 ёшли аҳолининг спорт машғулотларига доимий қатнашиш даражаси 40 фоизга оширилади. Бу орқали маҳалла даражасидаги спорт инфратузилмаси билан хусусий сектор имкониятларини уйғунлаштириб, машғулотлар учун барқарор муҳит яратиш кўзда тутилади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ даромадларини прогнозлаштириш тартиби белгиланди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ВАКОЛАТЛАРИ АНИҚЛАШТИРИЛДИ.

СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИ янгича ёндашувлар асосида ташкил этилади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ”

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Маҳаллани ривожлантириш ҳаракати жамиятни юксалтириш масъулиятидир

2025 йил маҳалла тизими учун ўзига хос юксалиш йили бўлди, деб айта оламиз. Йил давомида маҳалланинг мавқеини, ваколатини оширишга қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, маҳалла аҳоли муаммоларини ҳал этишда бирламчи бўғинга айлантирилди, соҳада рақамлаштириш тўлиқ жорий этилди. Энг муҳими, аҳоли мурожаатларининг 89 фоизи йиғинларнинг ўзида ечим топди.

Элмурод ҚАРШИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ижро аппарати раҳбари.

Келинг, айрим рақамларни келтириб ўтамиз. *“Маҳалла еттилиги” кўмагида 5,2 миллион нафар аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилиниб, 2 090 та (23 фоиз) маҳалла **ишсизликдан**, ижтимоий шартнома асосида 302 мингта оила камбағалликдан чиқарилиб, 1 435 та (16 фоиз) маҳалла **камбағалликдан**, 4 388 та (49 фоиз) маҳалла **жиноятчиликдан**, 641 мингта хотин-қизлар муаммолари ҳал этилиб, ажралиш ёқасидаги 39 минг 964 та оила яраштирилиб, 1 670 та (19 фоиз) маҳалла **оилавий ажралишдан** холи ҳудудга айлантирилди.*

Бу рақамларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ биз учун энг муҳими — маҳалла чин маънода халқимиз ишонадиган масканга айланди. Маҳалла энди фақат анъанавий ижтимоий тузилма сифатида эмас, балки давлат ва жамият ўртасидаги кўприк, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал қилувчи тизим сифатида ўзини намоён этди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси 2026 йилда тизим фаолиятини такомиллаштириш, йиғинларда қулай яшаш муҳитини яратиш, аҳоли муаммолари билан ишлашда янгича иш тартибларини йўлга қўйишни мақсад қилган. Айниқса, бу борада Мурожаатномада муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Албатта, давлатимизнинг халқчил сиёсати, ғамхўрлиги ҳар бир оилага, ҳар бир фуқарога тўғридан-тўғри, бевосита ва манзилли етиб бориши таъминланади. “Маҳалла еттилиги” орқали давлат ўз функцияларини юқоридан энг қуйи бўғингача ўта ноёб ва самарали тарзда бажаришига шароит яратилади.

Келинг, жорий йилдаги айрим режаларга тўхталиб ўтсак. Энг аввало, янги таҳрирдаги **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги қонун қабул қилиш зарурати бор. Қолаверса, **Маҳаллани 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича концепция** ишлаб чиқилади.

“Маҳалла еттилиги” аъзоларининг малакасини ошириш республика маркази ва унинг ҳудудий филиаллари ташкил этилиб, “еттилик” аъзолари ҳамда “маҳаллабай” ишлашга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларини ўқитиш тизими йўлга қўйилади. Бу ҳозирда тарқоқ ҳолда, ҳар бир тузилма якка шаклда амалга ошираётган ишларни тизимли ва манзилли ташкил этиш имконини беради.

Бугун — рақамлаштириш даври. Маҳаллаларда ҳам бу тизим “Рақамли маҳалла” платформаси орқали шакллантирилди. Эндиги мақсад — давлат хизматларини маҳаллага янада яқинлаштириш. Шу мақсадда жорий йилда 2 300 та маҳаллада **аҳолига онлайн хизматлар кўрсатиш** йўлга қўйилиб, уларнинг сони 100 тага етказилади. Сўнгги икки йилда ўзини оқлаган тизим — **“Маҳалла сервис компанияси”** яна 1 000 та йиғинда ташкил этилади, унинг хизмат турлари ҳозирги 23 тадан 31 тага етказилади.

Маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчисига ҳудудда бўш турган 5 минг квадратгача бўлган давлат мулкини аукционга чиқариш ваколати берилди. Шундан келиб чиқиб, 2026 йилда йиғинларда **бўш турган давлат мулки объектлари** аниқланиб, 1 000 таси аукцион савдоларига чиқарилади. Энг муҳими, сотувдан тушган маблағлар Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига йўналтирилади ва шу маҳалланинг муаммолари ечимига сарфланади.

“Маҳалла еттилиги”нинг қулай ва барча шароитларга эга муҳитда фаолият юритишига эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, ҳозирда хизмат биноси мавжуд бўлмаган 385 та, 1-3 хонали биноларда фаолият кўрсатаётган 1 323 та ҳамда 53 та авария ҳолатидаги маҳаллаларга **давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янги бинолар** қуриб берилади. Бу “еттилик” зиммасидаги вазифаларни ўз вақтида, сифатли ва самарали бажаришига имкон беради, албатта.

Сирасини айтганда, Президентимиз Мурожаатномада олдимизга улкан вазифаларни белгилаб берди. Уларнинг ижросини таъминлашда “маҳалла еттилиги” вакиллари, фаоллар, нуронийлар биргаликда ҳаракат қиламиз. Ҳар бир маҳаллада ислоҳотлар изчиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

Аёл муаммоси билан ёлғиз қолмайди, қолдиришга ҳаққимиз ҳам йўқ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Замира АИТБАЕВА,
Нукус шаҳридаги “Навқанбоғ” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда турли миллат вакилларидан иборат 1 012 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда жами 4 774 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Маҳалла еттилиги”нинг аҳоли билан биргаликдаги тинимсиз ҳаракатлари эвазига ҳудуд “Ташаббусли бюджет” танловида бир неча марта ғолиб бўлди. Бунинг эвазига маҳалладан ўтувчи темирйўл устидан автомобиллар ўтиш йўли қурилиши, “Дўстлик” каналидан аҳоли томорқа ерларини суғориш учун оқова сув тармоғи тортилиши, шунингдек, “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 250 миллион сўмлик янги боғ барпо этиш ишлари бажарилди.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни билдириб ўтсам. Президентимиз Мурожаатномада сўнгги икки йилда аёллар ва болаларга нисбатан оилавий зўравонлик ҳолатлари бўйича икки мингдан зиёд жиноят ҳолатлари аниқланганини айтиб ўтди. **Бир аёл, она, маҳалла раиси сифатида бу мени жуда ташвишга солди.** Жамиятимизда бу каби салбий ҳолатларнинг учраётгани буюк тарих, юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган, оилани муқаддас деб биладиган халқимизга асло ярашмайди.

Оилавий зўравонлик, бу — фақат оиланинг ички иши эмас, бу — бутун жамиятга тегишли масала. Аёлни ўз муаммоси билан ёлғиз ташлаб қўйишга ҳаққимиз йўқ!

Шу маънода айрим таклифларни баён этсам. Биринчи навбатда маҳаллаларда **“ижтимоий назорат”** тизимини кучайтириш керак. **“Хавф остидаги оилалар реестри”**ни юритиш вақти келди. Яъни зўравонлик содир этилишини кутмай, доимий жанжаллашадиган, ишсизлик ёки ичкиликбозлик муаммоси бор оилалар билан индивидуал ишлаш тизимини йўлга қўйиш лозим. Оиладаги жанжалларни **“оиланинг ички иши”** деб эмас, балки жиноий ҳолат сифатида қабул қилиш зарур.

Қолаверса, никоҳдан олдин фақат тиббий кўрик эмас, балки эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича **мажбурий психологик тренинглар** жорий этиш фурсати етди.

Рақамлаштириш даврида яшаяпмиз. Келинг, **“Тезкор тугма”** мобиль иловасини ишга тушириш орқали зўравонлик содир бўлаётган пайтда биргина тугмани босиш орқали ички ишлар органлари ёки яқин қариндошларга овозли хабар юбориш имкониятини яратайлик.

Умуман олганда, оилавий зўравонликни фақат жазо билан эмас, балки жамиятнинг унга бўлган муносабатини ўзгартириш ва аёлнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини тиклаш орқали йўқ қилиш мумкин.

НУРОНИЙЛАР ДИЛИДАГИ ГАП

Бу ҳудудлар нафақат бўстон, балки мўъжизалар майдонига айланяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Президентимизнинг вилоятимизга ҳар бир ташрифи ҳудуднинг саховатини, обрў-эътиборини янада оширади. Давлатимиз раҳбари билан бирга, қут-барака, маъмурчилик, хуш кайфият кириб келади. Шулардан бири ҳақида ўз фикрларимни билдиришни жоиз билдим.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 15 сентябрь куни таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳига давлат мукофотларини тантанали топшириш, таълим сифатини ошириш, ўқитувчи ва мураббийларни янада қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Бўстонлик туманига ташриф буюрди. Бирйўла туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Дастлаб Президентимиз тумандаги “Ренессанс” болалар соғломлаштириш оромгоҳи билан танишди. Мамлакатимизда таълим ва ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини мана шу маскан, у ерда яратилган шарт-шароитлардан билиш мумкин.

Йил давомида мунтазам фаолият юритадиган “Ренессанс” оромгоҳида ёшлар уч ҳафталик интенсив ўқув курсларда ўқитилади. Яхши натижа кўрсатган 40 нафари “Печак лигаси” университетларига тажриба алмашиш учун юборилади.

Сўнгги йилларда ҳудудда инфратузилма ривожлантирилиб, йилнинг тўрт фаслида мароқли саёҳат учун қулай шароит яратилди. “Амирсой”, “Чиноркент”, “Чорвоқ дарвозаси” каби улкан мажмуалар, замонавий меҳмонхоналар, дам олиш ва умумий овқатланиш масканлари ишга туширилди. Энди бу сафга “Чимён” халқаро умуммавсумий курорти ҳам қўшилади. Франциянинг “MND” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа доирасида меҳмонхоналар ва денгиз сатҳидан 3 минг 300 метр баландликкача осма дор йўли қурилади. Бу ерда тўлиқ мавсумий туризм яратилиб, қишда чанғи ва сноуборд, бошқа ойларда эса тоғ сайёҳлиги ва кўнгилочар ҳордиқ имкониятлари пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари билан биргаликда бу ердаги меҳмонхона, ресторан ва савдо мажмуаларини кўздан кечирдик. Бизга тақдим этилган маълумотномада қайд этилишича, 6 қаватли замонавий меҳмонхона 320 нафар сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга. Йил давомида ўртача 45 минг туристга хизмат кўрсатади. Бу каби лойиҳалар туристларга қулайлик яратиши баробарида мамлакатимизнинг инвестициявий ва маданий жозибадорлигини оширади.

Бўстонликда сув мўл, ери унумдор. Бунга асосланиб, туризм ва аграр соҳа уйғун ривожлантирилмоқда. Жумладан, “Чимён” маҳалласида 3 минг гектар майдонда малина, қорағат, қулупнай, ўрмон ёнғоғи каби меваларни етиштириш йўлга қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбари Бўстонлик туманига ташрифи давомида мазкур агросаноат боғини ҳам бориб кўрди. Қир адирларга Чорвоқ денгизидан, 12 километр масофадан сув тортиб келинди. Бу ерда боғлар ташкил этилади, мевани қайта ишлаш корхоналари ҳамда катта сиғимли омборхоналар қурилади. Айни пайтда 50 гектар майдонда малина ва қулупнайнинг хорижий экспортбоп навлари экилган.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгандан сўнг йилига 24 минг тоннага яқин маҳсулот етиштирилади. Унинг салмоқли қисми – ўрмон ёнғоғи ва резаворлар экспортга йўналтирилади. Энг муҳим жиҳати, боғларда 12 мингдан зиёд киши ишли бўлади.

Хуллас, туман мўъжизалар майдонига айланиб бормоқда. Бу ҳудуднинг номи гўзал, номидан ҳам ўзи гўзал. Сўзсиз, бугун Бўстонликда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳадемай тилларда достон бўлади. Бунга шубҳа йўқ.

Бу сафар фақат биргина туман миқиёсида фикр билдирдик, холос. Вилоятимиздаги 22 та шаҳар ва туманнинг ҳар бири ҳақида ана шундай ҳайратли мисолларни келтириш мумкин. Демоқчи бўлганимиз, ҳурматли Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар бир хонадон турмуш тарзида, онги тафаккурида, қолаверса, ҳар куни ёзиладиган дастурхонида ўз самарасини бермоқда.

Яна бир гап. Бугун Тошкент вилояти жамоатчилиги, фаоллари, раҳбарлари катта масъулият билан меҳнат қилмоқда. Аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш — бош мақсадимизга айланган.

“Ўзбекистон-2030” стратегияси лойиҳасида бошқарув лавозимларидаги ХОТИН-ҚИЗЛАР УЛУШИНИ 30 фоиздан ошириш мақсад қилинган.

Нотариуслар НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИ нотариал идора биносида, видеоконференсалоқа орқали ёки сайёр тартибда расмийлаштиради.

2 МИЛЛИОН ФУҚАРО касб-ҳунар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитишга жалб этилади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҒРИҚ НУҚТАЛАР...

Оиладаги барака ва тотувликнинг замирида **фақат билим ва касб-ҳунар мужассам**

Аёлнинг қирқта жони бор, деб бежизга айтишмайди. Унга табиатан берилган куч ва ирода қанчадан-қанча синов ва қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир. Фақатгина бу нозик хилқат вакилларини меҳр ва эътибор билан қўллаб-қувватлаб туриш зарур. Шундагина у фарзандларини билимли қилиб вояга етказади, оиласи фаровонлигига муносиб ҳисса қўшади.

Маъмурахон ЖАЛОЛОВА,
Асака туманидаги “Қайрағоч” ва “Бўзариқ” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Лекин, беш бармоқ баробар бўлмаганидек, орамизда умр йўлдошини қадрламайдиган эркаклар, келинидан бир оғиз ширин сўзини қизғонадиган қайнота-қайноналар ҳам учраб туради. Фаолиятимиз давомида ажрашиш ёқасидаги оилалар билан ишлаш асносида бундай ҳолатларга жуда кўп дуч келамиз. Можаронинг сабабларини ўрганганимизда, аёлнинг ҳам озми-кўпми, камчиликлари борлигига гувоҳ бўляпмиз. Билимсизлик, дунёқарашнинг торлиги сабаб хатога йўл қўяётганларга, биринчи навбатда, ўз устида ишлаши кераклигини тайинлашдан бошқа иложимиз қолмайди.

Аслида, оилаларнинг эҳтиёжмандлар рўйхатига тушиб қолишида хотин-қизларнинг бирор касб-ҳунар эгаси эмаслиги, эрининг қаршилиги билан ҳеч қаерда ишламаслиги каби омиллар асосий ўрин эгаллайди. Шу боис доим ҳудудимиздаги аёллар билан суҳбатлашганимда, ўқиши кераклигини таъкидлашдан чарчамайман.

Биргина ўтган йилнинг ўзида “еттилик” вакилларининг қўллаб-қувватлаши натижасида 100 нафардан кўпроқ опа-синглимиз ҳунарли бўлишди. Тикувчилик, қандолатчилик, тарбиячилик курсларини тамомлаганларнинг барчаси бугун меҳнат қиляпти. Айримлари уйда ўтирган ҳолда ўзини ўзи банд қилган бўлса, бошқалари давлат ва хусусий корхоналарда фаолият олиб боришяпти.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган, янги иш бошлаш истагини билдирган 40 нафардан зиёд аёлга имтиёзли равишда кредит ажратилди. Шунинг ортидан қўшимча иш ўринлари очилди, аҳоли эҳтиёжлари учун зарурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Рўзихон Гулжаева дастлаб 5 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, супра, енгича ва рапида каби нон ёпиш учун керак бўладиган буюмлар тикишни йўлга қўйди. Кейинчалик иш қўламини янада кенгайтириб, 7 нафар аёлни касаначилик асосида банд қилди. Ҳозир Рўзихон опанинг маҳсулотларига талаб анча юқори. Сифати ва ўзига хос дизайни билан харидорларга манзур келяпти.

Шу ўринда тизимга оид айрим мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман. Барчамизнинг мақсадимиз кучли жамият қуриш экан, бу йўлда асосий эътиборни оилалар мустаҳкамлигига қаратиш зарур. Бундан бир неча йил аввал янги оила қураётган ёшларга идорадан маълумотнома тақдим этилар эди. Шу орқали кимнинг тўй бошлагани ҳақида хабар топиб, ёшларга нуроний ва фаоллар керакли тавсияларни беришарди. Айни вақтда мазкур ҳамкорлик тизими кўнгилдагидек ишламаяпти. ФҲДЁ ташкилотлари билан бирга уни қайта йўлга қўйиш зарур. Эҳтимол, бу ўзаро келишмовчилик ва ажрашишлар сонини камайтиришга ёрдам берар...

Қолаверса, туман марказларида фаолият олиб бораётган Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларини маҳалла даражасида ташкил этишни тавсия қилардим. Бу қамровни кенгайтириб, натижадорликни оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕГАРА ЭМАС

Дарду даводан баракали давонга йўл

Қорақумда туячилик қайта тикланди

Қачонлардир саломатликнинг энг катта бойлик эканини китобдан ўқиб ёки донолардан эшитиб қўя қолардим. Лекин бу гапнинг ҳақиқий қийматини ўз бошимдан ўтказмагунча тўлиқ англамаган эканман...

Бозорбой ТЎХТАЕВ.
Муборак тумани “Қорақум” маҳалласи.

Умрим давомида касалхона остонасини хатлаб кўрмаган одам эдим. Ҳаракатдан тўхтамасдим, ёшимдан кичикларни ҳам ортда қолдириб югурардим. Шу боис бир куни куч-қувватим сўниб, иштаҳам йўқолганини аввал жиддий қабул қилмадим. “Оддий шамоллашдир”, деб юравердим.

Бироқ кунлар ўтиб аҳволим яхшиланмади. Мажбуран шифокор кўригига бордим. Текширув натижаси жигар касаллиги — гепатит эканини кўрсатди. Ростини айтсам, ўша пайтда ҳаётим тўхтаб қолгандек бўлди. Лекин инсон умид билан тирик экан. Бир танишим “бу дардга туя сути фойда беради”, деди. Ишониб-ишонмай, ичиб кўрдим. Орадан вақт ўтиб, аҳволим яхшиланганини билганимда, қалбимда яна ишонч пайдо бўлди.

Туя сутини мунтазам равишда топиш осон эмас эди. Шунинг учун хаёлимга “Нега ўзим боқмаслигим керак?” деган фикр келди. Биз яшайдиган Қорақум — чўл ҳудуд, туя учун жуда мос. Илгари бу ерда туя кўп бўлган, кейин унутилган. Шундай қилиб, она-бола икки туя сотиб олдим.

Вақт ўтиб, кўни-қўшни, таниш-билиш сут сўраб кела бошлади. Аввал бепул бердим. Кейин ўйлаб қарасам, бу иш ортидан рўзғорни ҳам юритиш мумкин экан. Аста-секин режа туздим. Синов тариқасида бошладим. Натижаси ёмон бўлмади. Кейин банкдан кредит олиб, туялар сонини кўпайтирдим. Ҳозир ортга қараб, ўша қадамлар ҳаётимдаги энг тўғри қарор бўлганини англайман.

Бугун ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Хўжалигимизда ўттиз бештадан зиёд туя бор. Бир кунда ўртача қирқ литрга яқин сут оляпмиз. Бу иш фақат даромад учун эмас, одамлар саломатлиги учун ҳам хизмат қиляпти. Турли вилоятлардан, ҳатто қўшни давлатлардан ҳам одамлар келиб, туя сутидан баҳраманд бўляпти. Улар учун қулай шароит яратдик, меҳмонхона ташкил этдик.

Бу ишда энг катта таянчим — оилам. Ўғлим Шерзод хўжалик ишларини бошқаради, келиним эса туяларни соғиш билан шуғулланади. Биз туяларни оила аъзосидек кўрамиз. Ҳар бирига меҳр берсангиз, улар ҳам сизга барака билан жавоб қайтаради.

Энг қувонарлиси, бу ташаббус фақат менинг эмас, бутун маҳалланинг ривожига хизмат қиляпти. Бугун Қорақумда ўнлаб оилалар туячилик билан шуғулланиб, ҳалол даромад топяпти. Одамлар ишли, кўнгли тўқ. Мен учун эса энг катта ютуқ — бир пайтлар дард сабаб бошланган йўлнинг баракали меҳнат ва эл манфаатига хизмат қилаётганидир.

АЁЛ МАТОНАТИ

300 МИЛЛИОНЛИК ДАРОМАД, 30 МИНГДАН ОРТИҚ МАҲСУЛОТ МИНГ СЎМДАН БОШЛАНГАН...

Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғилоний номидаги маҳаллада дўппи тикишни билмайдиган аёлнинг ўзи йўқ. Кексаю ёш бу ҳунарга бирдек қизиқади.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Мавлуда опа Орипова ушбу маҳаллага келин бўлиб тушган. У тўрт нафар фарзандининг онаси. Бундан йигирма йил аввал болалари тарбияси билан бирга, уйдан ажралмаган ҳолда оиласига қўшимча даромад киритишни мақсад қилди. Шу йўлда у дўппичи ҳунармандга шогирд тушди. Мустақил иш бошлаган пайтида эса атиги 20 дона дўппининг хомашёси учун етадиган маблағи бор эди.

*— 30 минг сўм билан иш бошлаганман, **— дейди Мавлуда Орипова.** — Ҳам уйда бўлиш, ҳам фарзандларимни эҳтиёжи учун қўшимча даромад топиш мақсадида ҳунар ўрганишга киришдим. Мижозларнинг талабига мос маҳсулот етказиб бериш учун ҳалигача ўз устимда ишлайман.*

Келинларим, қизларим, қўни-қўшнилар, жиянлар барчаси яқин кўмакчимга айланган. 50 нафардан ортиқ ишчим бор. Ёши улуғ онахонлар, ногиронлиги бўлганларнинг уйига ўзим иш етказиб бераман.

Бугун Мавлуда опа касаначилик асосида ўзи яшайдиган маҳалла ва унга ёндош ҳудудларда истиқомат қилувчи аёлларни ушбу ҳунар орқали банд қилиб келмоқда. Ҳунарманд учун асосий мавсум қишнинг охири ва эрта баҳор ойларига тўғри келади. Февраль ва март ойида 30 мингтадан 50 мингтагача маҳсулот чиқарилади. Даромади эса 300 миллион сўмдан ортади. Бошқа ойларда ҳафтасига 500-1000 тагача дўппи тикилади. Марғилон аёллари тикаётган ироқи дўппилар бугун нафақат юртимиз аёлларига, балки қўшни давлатларга етказиб бериляпти.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Имтиёзли кредит барча учун **имкониятни кенгайтирди**

Бухоро шаҳридаги Имом ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ижобий ташаббуслар намоён бўлаётган ҳудудлардан саналади. Ҳудудда ўз имкониятини тўғри баҳолаб, оилавий бизнесини йўлга қўйган тадбиркор аёллар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Гулшода ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Шулардан бири — Нигора Ёдгорова. Унга маҳалла кўмагида 33 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағ тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Кредитнинг 10,3 миллион сўми интернет сайти яратишга ҳамда реклама ишлари учун сарфланди. Натижада оилавий тадбиркорлик доирасида аёлнинг фарзандлари, шунингдек, маҳалладаги 5 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди.

Айни пайтда тадбиркор аёл ва унинг шогирдлари қорақўл терисидан турли хил кийим-кечак ва бош кийимлари тайёрлаб, савдо шохобчалари орқали маҳаллий аҳоли ҳамда чет эллик сайёҳларга таклиф этмоқда. Меҳнат самараси эвазига олинаётган даромад бир неча оиланинг турмуш шароитини яхшилаш, моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Республикада ҳар йили 140 МИНГДАН КАМ БЎЛМАГАН хонадонли уй-жойлар барпо этилади.

Шаҳарлар ҳудудининг камида 30 фоизи ЯШИЛ МАЙДОНЛАРГА айлантирилади.

Бобур шаҳрида рассомлар фестивали ташкил этилади ва ҒОЛИБЛАР АВТОМОБИЛЬ БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

БИР ҲОВУЧ ДУР

Мақсад шуки, **китоб билан камолотга етса авлод...**

Президентимиз Мурожаатномасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, айниқса, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, маҳалла ёшларининг китобга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион дона бадиий адабиётлар билан таъминлаб бориш вазифаси белгилаб берилди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Бу вазифа китобхонлик соҳасида янги босқични бошлаб берувчи муҳим стратегик қарор сифатида баҳоланмоқда. Аслида, ушбу вазифа мутлақо янги йўналиш ҳам эмас, балки сўнгги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган **“Ёшлар учун минг китоб”** лойиҳаси бугунги кунда илмий тафаккур, маънавият ва таржима соҳасини ўзаро боғлаган энг йирик маданий ҳаракатлардан бирига айланди. Лойиҳа доирасида дунёга машҳур муаллифларнинг илмий ва бадиий асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, ёшлар учун очиқ маънавий майдон яратилди.

Бугунга қадар лойиҳа доирасида 113 та асар саралаб олинди, 85 тасининг таржима ҳуқуқи харид қилинди, 58 та асарнинг таржимаси тўлиқ якунланди. Шунингдек, 27 та китоб ҳар бири 3 минг нусхадан, жами 81 минг нусхада нашр этилди. Ушбу асарлар фалсафа, иқтисод, сиёсат, тарих, экология, таълим, биология, социология, ҳуқуқ, санъат ва маданият каби 40 га яқин фан йўналишларини қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Яқинда республика бўйлаб йўлга чиққан **“1000KITOB карвони”** орқали 205 та кутубхона, 50 та давлат ташкилоти ва 97 та олий ўқув юрти мазкур асарлар билан бойитилди. Умуман олганда, китоблар тўплами 303 та муассасага етказилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу китоблар ахборот-кутубхона муассасаларига мутлақо бепул тақдим этилмоқда, электрон нусхалари эса Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Фанлар академияси тизимидаги кутубхоналар орқали кенг жамоатчиликка очиқ қилинган.

Китобхонликни ривожлантириш йўлида фақат давлат ташаббуслари билан чекланиб қолинмаяпти. Янги Ўзбекистон ёшлари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Бунга ёрқин мисол сифатида **Бухоро вилояти Олот туманидаги “Наврўз” маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳноза Наврўзовани** келтириш мумкин. У болалик орзусини амалга ошириб, ўз маҳалласида кутубхона ташкил этди. Қисқа фурсат ичида бу кутубхона 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган маҳалла аҳолисининг маънавий масканига айланди.

Шаҳноза бу ташаббусни ижтимоий тармоқларда ёритиб борди. Натижада маҳалла кутубхонасининг бир йиллик фаолияти жамоатчилик эътиборини тортди ва тижорат банклари ҳомийлигида Тошкент шаҳрида айнан шу намуна асосида 100 та маҳалла кутубхонаси ташкил этилди. Кейинчалик ушбу лойиҳа **“Маҳалла кутубхонаси”** деб номланиб, уни мувофиқлаштириш Шаҳноза Наврўзовага ишониб топширилди. Айни пайтда пойтахтнинг ўзида бундай кутубхоналар сони 115 тага етди.

Бу мисол ёшларга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ғояни амалга айлантириш мумкинлигини яққол кўрсатади. Давлат яратаётган шароитлар ёшларни фаолликка ундаётгани, ғоялар фақат фикр даражасида қолиб кетмаётгани айнан шу каби ташаббусларда намоён бўлмоқда.

Рақамли маконда ҳам китобхонликни ривожлантириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. **“Mutolaa” мобил иловаси** ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини электрон, аудио ва видео форматларда тақдим этиб, 600 мингдан ортиқ фойдаланувчини қамраб олди. Бу замонавий ечим, айниқса, ёшларни мутолаага жалб этишда самарали восита бўлмоқда.

Юқорида келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда китобхонлик муҳити аллақачон шакллана бошлаган, жамият бу ислоҳотларга тайёр. Ана шу асосда Президентимизнинг Мурожаатномада 2026 йилда мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион дона бадиий адабиётлар билан таъминлаш вазифасини қўйиши — мавжуд ишларни янада кенгайтириш, уларни оммавий ва барқарор тизимга айлантиришга қаратилган қарордир.

Хулоса қилиб айтганда, аввал амалга оширилган лойиҳалар ва ташаббуслар 2026 йилда белгиланган янги вазифалар учун мустаҳкам замин яратди. Энди эса ҳар йили миллионлаб китоблар орқали мактаб кутубхоналарини бойитиш, китобни ҳар бир болага яқинлаштириш ва китобхонликни ҳаёт тарзига айлантириш йўлидаги ишлар янги суръатда давом этади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Юксак натижа пухта режа ва мустаҳкам ишончга боғлиқ

Президентимиз Мурожаатномада ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, йигит-қизлар Янги Ўзбекистоннинг таянчи ва келажак бунёдкорлари эканини таъкидлади. Шу билан бирга, тадбиркор, изланувчан, касб-ҳунарга эга ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ташаббусларига кенг йўл очиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолишини қайд этди.

Мардон АБДИНАЗАРОВ, Яккабоғ туманидаги “Истиқбол” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Айтиш керакки, бу жиҳатлар биз, маҳаллада фаолият юритаётганлар учун катта масъулият бўлиб, имконият бор жойда ишонч ва аниқ натижа бўлишини яна бир бор англатади. Мен ёшлар етакчиси сифатида шуни айта оламанки, маҳалламиз ёшлари иқтидорли ва фаол. Улар орасида аллақачон маҳалламизнинг фахрига айланган, ўз меҳнати билан атрофдагиларга ўрнак бўлаётган йигит-қизлар бор.

Қачонки, ёшлар ўз ғояси, режаси билан олдимга келса, мен учун бундан ортиқ қувонч йўқ. Уларга маслаҳат бериш, ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдамлашиш, керак бўлса, ишининг бошида елкадош бўлишни ўзимнинг бурчим, деб биламан. Чунки бир ёшнинг муваффақияти — бутун маҳалланинг ютуғи.

Маҳалламизга қадам қўйган одам бу ердаги ёшларнинг салоҳиятини дарров ҳис қилади. Ана шундай изланувчан ёшлардан бири — Шаҳобиддин Мелиев. У ўз хонадонида фаолият юритиб, гулчилик орқали барқарор даромад топаётган ёш тадбиркор. Шаҳобиддин қишда ҳам, ёзда ҳам даромад қилиш мумкин бўлган соҳа излаб, гулчиликни синов тариқасида бошлаган. Охир-оқибат бу йўналиш унинг ҳаёт тарзига айланди.

У болалигидан хонаки гуллар етиштиришга қизиқиб келган. Ўқишдан бўш пайтларида гулдаста тайёрлаш билан шуғулланиб, амалиётда анча тажриба тўплади. Олийгоҳда таҳсил олаётган даврида эса гулчиликка бўлган меҳри янада ортди. Дарслардан сўнг бир неча йил гул дўконида ишлаб, соҳа сир-асрорларини пухта ўрганди. Унинг айтишича, айниқса, баҳор фаслида, байрам арафасида турли рангда очилган гуллар инсонга завқ ва илҳом бағишлайди. Ана шу ҳиссиёт уни бу йўлдан қайтмасликка ундаган.

Ўқишни тугатгач, маҳалла тавсияси асосида имтиёзли кредит олди ва ўз хонадонида иссиқхона ташкил этди. Шу тариқа гулдасталар ясаш фаолиятини йўлга қўйди. Бугун у гулларни ўзи парваришлайди, ўзи тайёрлайди ва бозор ҳамда савдо нуқталарига етказиб беради. Иссиқхонасида турли хил, ранг-баранг гулларни кўриш мумкин.

Айниқса, байрам кунлари маҳалламиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аёл-қизларга гул совға қилиб, уларнинг кўнглини кўтариши унинг инсоний фазилатларидан далолат.

Бугунги кунда Шаҳобиддин вилоят бўйича 20 дан ортиқ савдо нуқтасига гул етказиб беряпти. Унинг ойлик даромади 10-15 миллион сўм атрофида. Энг муҳими, у бунда тўхтаб қолмоқчи эмас — фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишни режалаштиряпти.

Мен ёшлар етакчиси сифатида ишонч билан айта оламанки, бундай ташаббускор ва меҳнатсевар ёшлар бор экан, маҳалламизнинг келажаги ёруғ. Биз эса уларнинг ҳар бир ғоясига таянч бўлиб, ютуқлари ортидан қувониб яшаймиз.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПЯПТИМИ?

Сифатли маҳсулотнинг бозорда ўрни бўлади

Мен ёш тадбиркор сифатида икки йилдан буён чорвачилик билан шуғулланяпман. Бу йўлни танлашимнинг асосий сабаби — нафақат барқарор даромад топиш, балки маҳалла аҳлига ҳам фойдали бўлиш истаги эди. Бошида бир неча қорамол билан бошладим, лекин кейинроқ ҳар бир қадамни аниқ режа билан белгиладим.



Шерали АТОЕВ. Ангор тумани “Гулзор” маҳалласи.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Фаолиятимни кенгайтиришда энг катта ёрдам — имтиёзли кредит бўлди. Шу орқали қорамоллар сонини яна бештага кўпайтирдим. Бугун маҳалла аҳли талабига қараб гўшт маҳсулотларини бозор ва дўконларга мунтазам етказиб беряпман. Айниқса, қорамолнинг сути ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар харидоргир. Катта қорамолнинг биттасидан кунига ўртача 8-10 литргача сут олиш мумкин. Шу сутдан ажратилган қаймоқ ва сариёғ тоза, мазали ва табиий бўлиб, уларнинг ҳам бозори чаққон.

Бу фаолият нафақат даромадимни оширади, балки аҳоли учун ҳам фойдали. Бир қорамол қишлоқ шароитида яхши парвариш қилинса, бир йилда тахминан 200-300 килограмм тоза гўшт беради. Шунингдек, бу фаолият маҳаллада иш жараёнини ривожлантириш, аҳолига юқори сифатли маҳсулот етказиш ва ёшларнинг меҳнатга жалб қилинишига ҳам хизмат қилади.

Мен учун асосий мақсад — тоза, сифатли маҳсулот етиштириш ва бозорда ўз ўрнимни мустаҳкамлаш. Шу йўлда мен доимо изланаман, янги усуллардан фойдаланаман.

Келгуси режаларим катта: қорамоллар сонини яна кўпайтириш, сифатли гўшт маҳсулотларини етказиб бериш ва маҳалла аҳли учун янги иш ўринлари яратиш. Шу тариқа фақат ўзимнинг эмас, балки маҳалламизнинг ҳам фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўша оламан.

ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

Сардор ОЛЛОЁРОВ. Навоий вилояти:

— Мен “Ёшлар дафтари”га киритилганман. Оиламиз “Камбағал оилалар реестри”да туради. Илгари ижтимоий ёрдам олганман, лекин энди бунинг учун қандайдир шартлар қўйилар экан. Масалан, ўқиш, волонтёрлик қилиш ёки лойиҳаларда қатнашиш керак. Агар мен ўқишдан ортиб, вақт тополмасам, ижтимоий ёрдамдан маҳрум бўламанми?

“ВОЛОНТЁР БЎЛМАСАМ, ЁРДАМДАН МАҲРУМ БЎЛАМАНМИ?”

Зоҳиджон ОТАХОНОВ, Ёшлар ишлари агентлиги бошқарма бошлиғи:

— “Ёшлар дафтари” жамғармалари орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармонига мувофиқ, 2026 йил 1 февралдан бошлаб, ёрдамлар ижтимоий шартнома асосида тақдим этилади. Бу дегани ёрдам тўғридан-тўғри эмас, балки ёшнинг фаоллиги ва ҳаракатига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий шартномада бир нечта шартлар белгиланган бўлиб, уларнинг асосий мақсади — ёшларни ривожланишга ундаш. Агар сиз таълим олишни узлуксиз давом эттираётган ва ўқишда ижобий натижаларга эришиб келаётган бўлсангиз, бу аллақачон асосий талаблардан бирини бажараётганингизни англатади.

Волонтёрлик ёки “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги фаолиятлар эса ёшларни жамият ҳаётига фаол жалб қилиш учун қўшимча имконият сифатида қаралади. Амалиётда барча шартлар йигит-қизларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда индивидуал тарзда баҳоланади. Яъни, асосли сабаблар бўлган тақдирда битта шартни тўлиқ бажара олмаслик ижтимоий ёрдамдан маҳрум этишга олиб келмайди.

Ўзбекистонда 2030 йилгача давлат хизматларининг 40 фоизи ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ўтказилади.

Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.

Ижтимоий соҳа муассасаларини ҚУРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ташкил этилади.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ҲАР БИР ТАҚДИР — КАТТА ҲАЁТ САБОҒИ

Ҳар бир касб эгасининг ўзига яраша масъулияти ва вазифалари мавжуд. Ўқитувчи билим бериш орқали ўқувчиларни катта ҳаётга тайёрласа, шифокор беморларни даволайди.

Ҳилолахон ҚОДИРОВА,
Фарғона шаҳридаги “Сурхтепа” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ҳуқуқшунос адолат учун курашса, қурувчи юртни кўркам масканга айлантиради. **Биз “маҳалла еттилиги” ходимлари эса одамларнинг дардига қулоқ тутамиз, муаммоларини ҳал қилиш учун кунни тунга улаймиз.** Бу йўлда зарурат туғилса, ўқитувчи, шифокор, ҳатто, ҳуқуқшуносларни ёрдамга чорлаймиз.

Ҳақиқатан, маҳалла тизимида фаолият юритаётган киши битта соҳа билан чегараланиб қолмаслиги керак. Билимлар қамрови қанчалик кенг бўлса, натижадорлик ҳам шунга яраша ортиб бораверади. Шу мақсад йўлида тинимсиз изланиш, билим олиш ҳаётий шиоримизга айланган.

Маҳаллада иш бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлмади. Шу қисқа фурсат ичида аҳоли вакиллари билан суҳбатлашиб, уларнинг қанчалар меҳрга ошуфта эканини ич-ичимдан ҳис қилдим. Аслида, одамларнинг кўнглини кўтариш учун бир оғиз ширин сўзнинг ўзи кифоя. Айниқса, ногиронлиги бўлган фуқароларга тақдим этилаётган арава ёки реабилитация қилишнинг бошқа техник воситалари сабаб ҳаётий қарашлари ва турмуш тарзи бутунлай ўзгариб бораётгани қувонарли ҳолат. Қолаверса, камбағалликдан азият чекаётганларга яратиб берилган имкониятлар билан уларнинг даромади ошиб бораётгани бизни ҳам хурсанд қиляпти.

Маҳалладошимиз Ҳикматхон Мамажонова икки нафар фарзанднинг онаси, боқувчисини йўқотган. Ушбу оила вакиллари “Камбағал оилалар реестри”га киритилиб, мунтазам равишда маҳалла ва ҳомийлар кўмаклашди. Оилани ўрганиш асносида, қатор хизматлар кўрсатилди.

Ҳаётий қийинчиликлар ва соғлигига эътиборсизлиги туфайли аёлда руҳий касаллик белгилари намоён бўла бошлаган эди. Шу боис у розилик асосида шифохонага даволаниш учун жойлаштирилди. Тушунмовчилик сабаб дарз кетган қариндошлик муносабатлари тикланди. Ҳикматхон опанинг собиқ турмуш ўртоғи билан гаплашиб, вояга етмаган қизи Сарвинозхонни вақтинчалик унинг тарбиясига топширдик. Қизнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш учун касб ўрганиш курсларига йўналтирдик.

Ҳикматхон опанинг вояга етган ўғли Камолиддинни ҳам эътибордан четда қолдирмадик. Унинг қизиқишлари ва иши билан яқиндан танишдик. Айни вақтда рўзғорга дастак бўлиш учун нон цехида меҳнат қилаётган йигитга касб-ҳунар ўрганиш ҳамда ижтимоий ёрдамлардан фойдаланиш борасида зарурий тавсиялар берилди.

Шундай қилиб, Ҳикматхон Мамажонова тўлиқ тиббий кўрикдан ўтди ва даволанди. Меҳнатга лаёқатсиз деб топилиб, II гуруҳ ногиронлиги белгиланди ва нафақа тайинланди. Кам таъминланган оилалар учун бериладиган бола пули оилага қўшимча ёрдам бўляпти. Фуқаронинг уй-жойини яхшилаш учун Фарғона шаҳар ҳокими ташаббуси билан маблағ ажратилди ва унинг яшаб турган хонадонида таъмирлаш ишлари бошланди.

Бу жараён нафақат фуқаро ҳаётида, балки менинг касбий тажрибамда ҳам муҳим ўрин эгаллади. Жараён давомида инсон қадрининг нақадар улуғ эканини, ижтимоий ҳимоя тизимининг қанчалик муҳимлигини ва инсонпарварлик тамойилларига содиқ қолиш зарурлигини англаб етдим.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Суғурта нафақа эмас, балки эртанги кунга ишонч билан қарашдир

Юртимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Хусусан, “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун 2026 йил 1 январдан кучга кирди.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
журналист.

Қонун асосида ишлаб чиқилган янги тизимнинг асосий мақсади — фуқароларни ижтимоий ҳимоя билан кенг қамраб олиш, нафақаларни вақтида ва автоматик тарзда тақдим этиш, бюрократик тўсиқларни қисқартиришдир.

2026 йил 1 январдан ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари давлат ижтимоий суғуртаси жамғармаси орқали тўғридан-тўғри тайинланади ва тўланади. 2026 йил июлдан бошлаб, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) нафақалари ҳам янги тизим орқали амалга оширилади.

Бу ўзгаришлар, аввал четлаб ўтилган хусусий сектордаги кўплаб ходимлар, айниқса, аёллар учун ижтимоий кафолатларни кучайтиришга қаратилган муҳим қадам саналаётгани билан аҳамиятлидир.

Ижтимоий суғурта тизими икки асосий шаклда амалга оширилади:

- ***мажбурий суғурта*** *— давлат бюджети орқали киритилади (жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг бир қисми ҳисобидан);*
- ***ихтиёрий суғурта*** *— фуқароларнинг ўз хоҳиши билан тўланадиган суғурта тўлови, минимал меҳнат ҳақининг 5 фоиз миқдорида.*

Бу тизим фуқароларга ижтимоий ҳимояни ўз тақдимот даражасига кўра танлаш имконини беради. Шу билан бирга, давлат бюджетига босимни камайтиришга хизмат қилади.

Янги тизимда ариза тақдим этилиши талаб қилинмайди. Нафақалар тўғридан-тўғри, электрон маълумотлар базаси орқали тайинланади. Бу фуқароларнинг вақт ва куч сарфларини сезиларли даражада қисқартириб, тўловларнинг ўз вақтида ва адолатли амалга оширилишини таъминлайди.

Янги тизимда нафақалар суғурта стажига боғлиқ равишда тайинланади. Бу эса расмий шуғулланувчи аҳоли сонини оширишга, норасмий меҳнат бозорини қисқартиришга, одамларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Хусусий сектор учун енгилликлар яратилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, такомиллаштирилган ижтимоий суғурта тизими, меҳнат бозорида барқарорликни оширади. Аёллар бандлигини ва уларнинг даромадини сақлашни таъминлайди. Ижтимоий адолатни мустаҳкамлайди.

— Асосий мақсад фуқароларни ҳаётда учрайдиган ижтимоий хавфлардан, яъни касаллик, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш даврида ҳимоя қилишдир, — ***дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Фаррух Пардаев.*** *— Янги тизим инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйган ҳолда, ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, нафақалар энди давлат ижтимоий суғуртаси орқали, кафолатли ва барқарор тарзда тўланади. Бу ўзгаришлар хусусий секторда ишловчилар учун жуда катта аҳамиятга эга.*

Илгари хусусий секторда ишловчи кўплаб фуқаролар, айниқса, аёллар ижтимоий кафолатлардан тўлиқ фойдалана олмас эди. Янги тизим иш жойидан қатъи назар, расмий ишлаётган ҳар бир фуқаро учун тенг ижтимоий ҳимояни таъминлайди. Ижтимоий нафақалар билан боғлиқ молиявий юк иш берувчилар зиммасидан олиб ташланади. Бу тадбиркорларга иш ўринлари яратиш, иш ҳақларини ошириш ва бизнесни кенгайтириш учун қўшимча имконият беради. Шу билан бирга, ишга қабул қилишда ижтимоий омиллар сабабли чекловлар камаяди. Нафақалар суғурта стажига боғлиқ ҳолда тайинланиши расмий ишлашга қизиқишни оширади. Фуқаро қанчалик узоқ муддат расмий меҳнат қилса, унинг ижтимоий ҳимояси шунчалик мустаҳкам бўлади. Бу шаффофликни оширади, инсон омилини камайтиради ва коррупция хавфини минималлаштиради.

Давлат ижтимоий суғуртаси фақат нафақа эмас, бу — инсон қадрини улуғлаш ҳамда эртанги кунга ишонч билан қараш демакдир.

ОДАМЛАР ОРАСИДА...

Ҳунардан ҳурмат келади, меҳнатдан маҳорат

Бўка тумани “Бўстон” маҳалласида истиқомат қилувчи ҳунарманд Дониёр Эргашев эшитиш қобилиятини йўқотгани боис II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган. У синовларга таслим бўлмай, меҳнат ва сабр-тоқат орқали ҳаётда ўз ўрнини топа олган фидойи инсонлардан бири.

Мадина АБДУРАСУЛОВА,
Бўка туманидаги “Бўстон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Болаликдан ҳунарга қизиқиши баланд бўлган Дониёр Эргашев бугунги кунда ўзи танлаган йўналишда самарали фаолият олиб бормоқда. У қўл меҳнати асосида бежирим буюмлар тайёрлаб, миллий ҳунармандчилигимиз анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Дониёрнинг эшитиш қобилияти чекланган бўлишига қарамасдан, ўз устида доимий ишлаб, замонавий усул ва янги ғояларни қўллашга интилмоқда. Унинг меҳнатсеварлиги ва қатъиятини маҳалла ёшлари, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларга ўрнак қилиб кўрсатамиз.

Дониёр Эргашевнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ва жасоратини давлатимиз юксак баҳолаб, 2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан, “Жасорат” медали билан тақдирлади. Мазкур мукофот фақатгина фуқаронинг ҳунари учун эмас, балки иродаси ҳамда қийинчиликларга қарши тура олган матонатига берилган юксак унвондир.

Дониёр бугунги кунда ўз ҳунари орқали барқарор даромад манбаига эга бўлиб, оиласи фаровонлигини таъминлаб келяпти. Шунингдек, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Малоҳат НЕЪМАТОВА.
Наманган вилояти:
— Ҳозирги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга қандай турдаги хизматларни кўрсатиб келмоқда?

ПАРВАРИШГА МУҲТОЖ ШАХСЛАРГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ?

Нодирбек ЙЎЛДОШЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Наманган вилояти бошқармаси етакчи мутахассиси:

— “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи омилларни бартараф этиш мақсадида 2025 йил 1 июндан “Фаол ҳаётга қадам” дастури жорий этилган.

Дастур доирасида қуйидаги беш турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган:

- ☑ **уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш;**
- ☑ **уй шароитида қараб туриш;**
- ☑ **тиббий-ижтимоий реабилитация;**
- ☑ **кундузги қатнов асосида қараб туриш;**
- ☑ **шахсий ёрдамчи**.

Ҳозирги кунда вилоят миқёсида ушбу хизматлардан 3 мингдан ортиқ ўзгалар парваришига муҳтож шахслар фойдаланиб келмоқда. Биргина кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати орқали меҳнат қилиш имкони яратилгач, 255 нафар фуқаро доимий ишга жойлашган.

2030 йилга қадар ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Коррупцияга қарши МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИ жорий этилади.



Электромобилларни қувватлантириш станциялари учун АСБОБ-УСКУНАЛАР БОЖХОНА БОЖИДАН озод қилинади.

ОДАМЛАРНИНГ ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

Сарлавҳадаги фикр моҳиятини, керак бўлса, қадрини хасталик нималигини бошидан ўтказган инсонгина чуқур англайди. Мақоламиз мингларча шундай хасталарга дуч келган, рўбарў келгангина эмас, уларнинг дардларига малҳам бўлгач, нигоҳларида саломатлик неъматидан олаётган лаззатни кўрган шифокор Бердиқул Эргашев ва у ташкил қилган "Эргаш ота" хусусий тиббий маркази ҳақида.

Бердиқул Эргашев:

"ЭНГ ШИРИН ЛАЗЗАТ,

Бу сиҳатгоҳга тамал тоши қўйилганига ҳам 34 йил бўлди. Бугунга келиб унинг номи нафақат Ўзбекистон, МДҲда, балки Европа мамлакатлари, ҳатто, океанорти давлатлари АҚШ, Канадада ҳам машҳур. Шифокорнинг даволаш усули, натижасини мижозларнинг ўзлари ўз тақдирлари мисолида тарғиб қилишади. Шу боис бошқа хусусий клиникалар каби телевидение орқали реклама қилишга маблағ сарфланмайди. Қолаверса, расмий тиббиёт тузалмас ҳисобланган касаллигига шифо топганлар уни "замонамиз Ибн Синоси", деб атамоқда. Нега шундай демоқда оддий халқ вакиллари?

Тиббиёт ва физиология соҳасида Нобель мукофоти япониялик олим, Токио технологик университетининг ҳужайра биологияси мутахассиси Ёсинори Осумига аутофагия механизмларини кашф қилгани учун берилди. Аутофагия – ҳужайра даражасида табиий янгиланиш, яшариш жараёни бўлиб, бунда баъзи касалликларнинг пайдо бўлиши олди олинади ва инсон умри узаяди.

Аслида эса бу синоатни ўзбек ўғлони 34 йил аввал кашф этган! Ўт қопи, жигар, буйракдан операциясиз тош туширадиган, қон босимини меъёрга келтирадиган, ортиқча вазндан халос қиладиган, гижжалардан тозалайдиган, озғинларга эт берадиган, онкологик хасталикларнинг олдини оладиган, вужудингизни яшартирадиган муолажа усулини ўйлаб топган!

Ўзбекистонда яқин-атрофида дорихона(аптека)си йўқ шифохона ҳам шу маскан! Хориждан соғлигини ўйлайдиган минглаб меҳмонларни юртимизга жалб этиб, тиббиёт туризмини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган, ўз салоҳияти билан инвестиция олиб кираётган тадбиркорлардан бири ҳам Бердиқул Эргашевдир.

Санаганларимизнинг ҳар бирига эътирофу мисоллар жуда кўп. Уларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

"НАТИЖА ЗЎР!"

Ержан Каргабаев (Қозоғистон Республикаси Шарқий-Қозоғистон вилоятидан, 1966 йилда туғилган):

– "Эргаш ота" клиникасига илк бора 2023 йил февраль ойида келганман. Дастлаб қариндошларимдан эшитдим, кейин интернет орқали бу шифохонани топиб, ўргандим. Телефон рақамини топиб қўнғироқ қилдим. Улар шикоятларимни эшитишди ва келишимни маслаҳат беришди. Ўнг қовурғам остида, томоғимда оғриқ бор эди. Простатада муаммолар сезилганди.

Малҳамни шахсан бош шифокорнинг қўлидан олиб ича бошладим. Бешинчисидан кейин ўт қопимдаги тошлар тушди. Муолажа жараёнида томоғимдаги оғриқлар ҳам тўхтади. Простатадаги муаммолар ҳам чекинди.

2025 йилнинг 2 февралида яна келдим. Бу ерда белгиланган тартибга риоя қилсангиз, ҳар қандай касалингиз тузалишига юз фоиз кафолат бор. Бунга менинг имоним комил. Бу гал японлар ишлаб чиққан УЗИда текширтирдим. Натижа зўр! Ўт қопида тошлар йўқ, жигар гепатоздан холи, буйрак, томоқ ҳаммаси яхши.

Мен мўъжизали малҳамни ўйлаб топган бу камтар шифокорга миннатдорлик билдираман!

"МЕН ҲАЁТГА ҚАЙТДИМ!"

Хуршидахон Бўтаева (Фарғона вилояти Учкўприк туманидан, 1983 йилда туғилган):

– Икки нафар фарзандим бор. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. 2015 йилда менда гепатитнинг сурункали "В" ва "Д" тури аниқланди. Врачлар маслаҳати билан Қўқон шаҳридаги юқумли касалликлар шифохонасида даволандим. Ҳар 6, 8, 10 ой оралиғида фурсатимга қараб даволаниб турдим. 2018 йил ёз ойларида касалим кучайиб кетди - циррознинг бошланиши дейишди.

Бу орада Тошкент ва Андижондаги энг мақталган клиникалар врачлари ҳузурида бўлдим, жуда кўп маблағ кетди. Бир андижонлик докторнинг гаплари оғир ботди: "Қишлоқда яшасаларинг, ҳовли-жойларинг бўлса керак, шуни сотиб, жигар ўтказиб қўя қолинглар". Бу гаплардан янада оғирлашиб қолдим. Ҳатто, саратонда ҳам совқотганимдан безгак тутиб, кўрпа ёпиниб оладиган бўлдим. Асал сотиб олиш учун бозорга чиққанимда тасодифан "Эргаш ота" ҳақида эшитиб қолдим. Шу ерда даволанган жувонни топиб гаплашдим. У ҳам менга ўхшаган касал бўлган экан. Соғайиб кетибди. Ҳаётдан бутунлай умидимни узган эдим. Бироқ жон ширин экан, яшагим келарди, кўзимга фарзандларимдан бошқаси кўринмасди. Бу аёлнинг шифо топганини эшитиб, ўз кўзларим билан уни соғлом кўриб ҳаётга умид уйғонди. "Лекин даволаниш осон эмас", деди. Майли, чидайман, дедиму ҳавасим келиб кўзимда ёш билан аёлни қучоқлаб олдим.

Шундай кайфиятда турмуш ўртоғим билан 2018 йилнинг 1 октябрида "Эргаш ота"га ўн соатлик йўл босдик. Машинада касалим зўрайиб ўтира олмай ётиб келдим. Беморлар шунақа қўпки... Бўш жой учинчи қаватда бор экан, жойлашдик. Зиналардан чиқиб тушишга жуда қийналаман. Даволаниш аёл айтганидек қийин кечди. Узоқ йил бир касал атрофида бошқа касалликлар ҳам ривожланар экан. Хуллас, икки ҳафта даволандим. Ичимдан мен билмайдиган алланарсалар тушганини ўз кўзим билан кўрдим. Ўт қопимда тошлар бор экан, улардан қутулдим. Бир неча бор қайт қилдим, ошқозоним тозаланди. Булар безовталик, баъзида оғриқ билан бўларди, лекин ҳар гал янада енгиллашаман.

Кетадиган куним оч бўлсам-да, шунақа тетикманки, 3-қаватга чиқишнинг дастлабки кунлардаги машаққати йўқолди. Бир неча бор тушиб-чиқсам-да, чарчамаяпман. Шахсан мен учун бу мўъжиза эди.

Фарғонага қайтгач, парҳез қилаётган бўлсам ҳам кундан-кун кучга тўлиб бордим. Уй ишларини роҳатланиб, чарчоқ сезмай бажарадиган бўлдим. Саломатлик мени яна севимли касбимга йўллади. МЕН ҲАЁТГА ҚАЙТГАН ЭДИМ!

Шундан буён имкониятимга қараб, 3 ой, 6 ой ва бир йилда, албатта, келиб даволаниб тураман. Ҳисобласам, саккиз йилда ўн уч марта келибман. Натижа аъло, алҳамдулиллоҳ!

Касаллигим сабаб қўп ўқиб-изланганим учунми, олий маълумотли бўлганим учунми, унча-мунча кимёвий дорилару уларни буюрган врачлар, табибларга ишонмай қўйгандим. Лекин Бердиқул ака яратган малҳам ҳақиқатда жуда ҳаётбахш неъмат экан! Малҳамнинг ўзи билан танангиздаги барча хасталиклардан халос бўлар экансиз.

Мендаги натижаларни кўриб, турмуш ўртоғим, қизим, онам, синглим, укам ва яна бир укам аёли, қизи билан келиб даволанишди. Уларнинг ҳар бири яхши натижалар билан кетишди.

Яна бир гап. Пандемия йилида уч марта келдим. Коронавирус юқтирганларнинг баъзилари оламдан ўтиб кетишди. Менга эса юқмади ҳам. Қиш пайти грипп ҳам юқмайдиган бўлди. Касаллиги борми, йўқми, бу даргоҳга келиб тозаланиб туришни ҳаммага тавсия қиламан.

"МАЛҲАМ НАФАҚАТ ТУЗАТАДИ, БАЛКИ ЯШАРТИРАДИ ҲАМ!"

Зулхумор Аҳророва (Самарқанд шаҳридан, 1964 йилда туғилган):

– Мен "Эргаш ота" клиникасига биринчи марта 2005 йилнинг сентябрь ойида буйракда пиелонефрит, туз, қум, қон босими касалликларини даволаш учун келганман. Ўшанда 10 кун малҳам ичиб кетдим. Тўққиз ойдан кейин яна келиб 14 кун даволандим. Шу билан уч йил касал нималигини билмай яшадим. Кейин ҳар уч йилда бир марта келиб даволаниб юрдим.

Худога шукур, соғлигим яхши, бошқа шифокорларга ишим тушмайди. Бирор марта поликлиника ёки "тез ёрдам"га мурожаат қилмадим. Чунки малҳам нафақат тузатади, балки яшартиради ҳам. Ўзимни тетик сезаман, шу билан бирга, ҳамон ошпазлик ишимни давом эттирмоқдаман.

Ўзбекистонимизда шундай Луқмони ҳаким борлигидан фахрланаман!

"МЎЪЖИЗАЛАР ШАҲАРЧАСИ"

Мастура Жумаева (Сурхондарё вилоятидан, 1984 йилда туғилган):

– Мен "Эргаш ота" клиникасига турмуш ўртоғимнинг ич кетиш касали сабабли келганман. Уч йил аввалги бу даволанишнинг бошланиши қийин кечган. Овқатсизликка ўрганиш жараёни қийин бўлганди. Лекин натижалар биз кутгандан ҳам зиёда бўлди. Ўн кунлик фурсатда турмуш ўртоғим ичкетар касаллигидан батамом қутулди.

Бош шифокор менга ҳам умид берди. "34 кун малҳам ичсангиз, худо хоҳласа, фарзандлик ҳам бўласиз", деди. Мен бу муаммони бартараф этиш учун дўхтирма-дўхтир югуриб, 13 йил сарсон-саргардон бўлганман ахир...

Йигирма тўрт кунлик муолажадан кейин, уйга қайтиб парҳез фурсатини қаттиқ тутдим. Икки ойдан сўнг ҳомиладор бўлдим. Шу боис, мен учун "Эргаш ота" клиникаси МЎЪЖИЗАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҳисобланади.

Орадан уч йил ўтиб, 2025 йилнинг май ойида яна келдим. Аллоҳ хоҳласа, иккинчи фарзандга тайёргарлик!

"СОҒАЙИШГА УМИД УЧУН РАҲМАТ!"

Ильгиза Ҳасанова (Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳридан):

– 2024 йил биринчи бора "Эргаш ота" тиббий марказига келганман. Бошимдан ўтган кунлар, йўлиққан касалликлару сарсонгарчиликлар, тушкунликларимни ҳикоя қилиб бермоқчи эмасман.

Бу ерда даволаниш жараёнида олган натижаларга қисқача тўхталмоқчиман. Ўтган фурсатда 18 та малҳам ичиб, ярим хасталиклардан қутулдим, деб ўйлайман. Олти килога енгиллашдим, бу ошиқча олти кило хилт, яъни касаллик дегани.

Албатта, биринчи келишдаёқ ҳамма хасталикни тузатиш қийин. Шу боис кейинги йилда ҳам бу фойдали даволанишни давом эттириш ниятидаман.

Шифокорга мўъжизали малҳам учун, соғайишга умид бергани учун миннатдорлик билдираман!

"ДОКТОР, ҚЎЛИМ ИШЛАДИ, ЧИРОЙЛИ БЎЛМАСА ҲАМ ХАТ ЁЗА ОЛАМАН"

Музаффархон Шодибеков (Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятидан, 1953 йилда туғилган):

– Маълумотим олий, агроном-ман. 2011 йилдан буён юрак оғриғи, қон босими, танамда қанд миқдорининг ошиши (13-19) хасталиклари билан курашаман. Қабзият жуда қийнарди. Бу касалликлардан асаб чарчар экан. Оёқларда, белда оғриқ бор эди. Устига-устак оғирлигим ҳам 115 килога етганди. Ҳаракатларим кундан-кунга сусая борди. Ҳассага таяниб 50-100, кўпи билан 400 метр юра олардим.

240 АҚШ долларига съёмка қилиш текшир-текширлари хулосаси шундай бўлди: ўнг томони 95 фоиз ишдан чиқибди, тезда иккита стенд қўйиш керак. Нархи 22 минг доллар, дейишди. Бу маблағ менда йўқ эди. Шу зайлда орадан 9 йил ўтди. Яна бордим. Энг охирги нарх 12 минг доллар дедилар. Бунга ҳам кучим етмасди. Аҳволим эса кун сайин оғирлашиб борарди. Дарвоқе, икки марта инсульт олганимни ҳам қўшиб қўйишим керак.

2024 йилнинг август ойи эди. Одамлардан эшитиб Ўзбекистонга, "Эргаш ота" тиббий марказига келдим. Академик Бердиқул Эргашев қабулига кирдим. Шифокор бошимни, кафтим, белим ва жигарим, қорним билан кўкрак қафасимни қўллари билан кўриб, танамнинг қай ҳолатда эканлигини айтиб берди. 25 та малҳам

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Моҳир томорқачи мактаби:
100 нафар шогирд қандай қилиб муваффақиятга эришди?

Президентимиз "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни" муносабати билан мукофотлаган бир гуруҳ юртдошларимиз орасида Жиззах вилояти Пахтакор туманида яшовчи ёш тадбиркор Жамшид Аҳмедов ҳам бор.

Азизбек ҚАЮМОВ.

29 ёшли оилавий тадбиркор Жамшид Аҳмедов Пахтакор туманидаги "Боғишамол" маҳалласида истиқомат қилади. У тадбиркорлик фаолиятини 2017 йилда оила аъзолари билан хонадонидаги 5 сотих ер майдонида иссиқхона қуриб, кўкатчиликдан бошлаган. Қисқа фурсатда эришилган самара ва даромад уни фаолиятини кенгайтиришга ундади.

2024 йилда 100 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига 22 сотих майдонда замонавий иссиқхона барпо этди. Натижада маҳаллада 4 нафар доимий ва 25 нафар мавсумий иш ўрни яратилди. Етиштирилган маҳсулотлар нафақат ички бозор, балки Россия Федерацияси ҳамда қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

— *Ҳозирда иссиқхонамизда учинчи ҳосилни парваришлаяпмиз,* — ***дейди Жамшид Аҳмедов.*** — *Кўкат экиш, аввало, ернинг ҳосилдорлигини оширади, шу билан бирга, унинг бўш қолишининг олдини олади. Учинчи ҳосил сифатида витаминларга бой турли кўкатлар етиштириб, асосан, экспортга, бир қисмини эса ички бозорга чиқаряпмиз.*

Тадбиркор давлат қўллаб-қувватлови асосида масъулияти чекланган жамият ташкил этиб, нафақат маҳсулот етиштириш, балки томорқачиликка қизиққан аҳолига амалий ёрдам кўрсатишни ҳам йўлга қўйган. Хусусан, ташкил этилган ўқув марказида томорқачилик маданияти, иссиқхоналардан самарали фойдаланиш усуллари ўргатилмоқда. Бу ерда таҳсил олган фуқаролар ўз томорқаларида кичик иссиқхоналар барпо этиб, оилавий даромадларини оширишга эришяпти.

Айнан Жамшид Аҳмедовнинг ўқув марказида таҳсил олган деҳқонларнинг — "Боғишамол" маҳалласида 35 нафари, туман бўйича эса 100 нафардан ортиғи ўз иссиқхоналарини ташкил этишди.

Жамшид Аҳмедовнинг меҳнати ва ташаббуслари давлат томонидан муносиб баҳоланди. У "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни" арафасида "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланди. Шунингдек, унга Жиззах вилояти ҳокимлиги "Намунали томорқачи" кўкрак нишонини ҳам топширди.

— *Бу мукофотни фақат шахсий ютуғим, деб эмас, жамоамиз ва барча жиззахлик ёшларнинг меҳнатига берилган баҳо, деб қабул қиламан. У бизга янада катта масъулият ва илҳом бағишлади,* — ***дейди у.***

Келгусида тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириб, йирик иссиқхона мажмуалари барпо этиш, Европа давлатлари билан икки томонлама шартномалар асосида экспортбоп маҳсулотлар етказиб беришни мақсад қилган.

Коррупция ҳақида хабар берган шахсларга ҲИМОЯ ОРДЕРИ берилади.

Электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ХАВФ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ тартиби белгиланди.

Маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги СЕРТИФИКАТ ХАРАЖАТЛАРИ қоплаб берилади.

ЛОЙИҲАЛАР КИЧИК БЎЛСА ҲАМ,
ОДАМЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛЯПТИ

БУ — САЛОМАТЛИКДИР”

ичдим. 25 килога оздим, яъни 115 дан 90 килога тушдим. Инсультлар натижасида ўнг қўлим ишламас эди. Кетиш вақтида “доктор, қўлим ишлади, чиройли бўлмаса ҳам хат ёза оламан”, дедим.

Биринчи қабулда “қани менинг қўлимни қисинг”, деган эди. Бу гал ҳам шундай деди. “Илтимос, қўйинг”, десам ҳам “йўқ, қўлимни қисинг”, деб мажбур қилди. Ишламаган қўл билан унинг қўлини қисдим. Доктор ўтириб қолди. Икки кўзимдан ёш қуйилди. “Мени кечиринг”, деб узр сўрадим...

“ХИТОЙ ВА РОССИЯ ВРАЧЛАРИ АНИҚ ТАШХИС ҚЎЯ ОЛМАДИЛАР”

Маҳмуджон Мадаминов (Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидан, 2000 йилда туғилган):

– Касаллигим: бўғимларда оғриқ ва шиш. Хасталик тўрт ой аввал бошланди. Кўринмаган докторим ва бормаган жойим қолмади. Масалан, Хитойнинг Хай-Хе шаҳрида мутахассис қабулида бўлдим, аммо аниқ ташхис қўйиша олмади. Россия Федерациясининг Москва шаҳри касалхонасида, Новосибирск шаҳридаги шифохонада ҳам мутахассислар аниқ ташхис қўя олмадилар. Ўзимизнинг Тошкент шаҳридаги давлат ва бир қанча хусусий клиникаларда ҳам аниқ ташхис қўйилмади. Врачлар томонидан буюрилган дори-дармонлар фойда бермади.

“Эргаш ота” тиббий маркази бош шифокори Бердиқул Эргашев артроз ва бўйинда чурра бор, деган ташхис қўйди. “Йигирмата малҳам ичсангиз, ҳаммаси жойига тушади,” деди.

Даволанишнинг биринчи ҳафтаси якунида оғриқлар тўхтади. Иккинчи ҳафта бошланишида шишлар қайта бошлади. Энг асосийси гормон дори, таблеткаю уколларсиз! “Эргаш ота” СУПЕР!

“ВАЗНИМ 147 КИЛОДАН 117 КИЛОГА ТУШДИ!”

Давид Ванян (Россия Федерациясининг Москва шаҳридан, 1984 йилда туғилган):

– Мен “Эргаш ота” тиббиёт марказига 2025 йилнинг январида келдим. Псориаз касаллигидан халос бўлиш учун жуда кўп жойларда даволандим. Озарбайжон Республикасида, “Минеральная вода”, “Кисловодск” каби сиҳатгоҳларда бўлганман, лекин натижа бўлмаган.

Бу ерда 2025 йилнинг 20 январидан бошлаб малҳам ичаётган бўлсам, 12 февралда вужудимдаги оғриқлар чекина бошлади. Менда ошиқча вазн бор эди, 147 кило билан келганман. Ўтган фурсатда ошиқча 29 килодан халос бўлдим, яъни вазним 117 килога тушди. Қисқаси, ўзимни аъло даражада

ҳис қиляпман! Шифокор яратган малҳам ҳақиқатдан ҳам мўъжизали экан!

БУ ШИФОХОНА ЯҚИНИДА ДОРИХОНА ЙЎҚ!

Одатда, бирор жойда шифохона қурилса, айниқса, шу кунларда, тадбиркорлар унинг ҳудудида, албатта, камида битта дорихона қурадилар. Тошкент давлат тиббиёт университети клиникаси атрофида бир-бирига улаб қурилган саноқсиз дорихоналарни айтмай қўя қолайлик...

Биз ҳикоя қилаётган “Эргаш ота” хусусий тиббий марказида, ҳатто унинг бир километр радиусдаги ҳудудида дорихона тополмайсиз!!! “Тузукроқ тадбиркори йўқ эканда”, деган хаёлга борманг, асло. Тадбиркорлар минглаб касаллар даволанадиган бу шифохона атрофида дўконлар, кафе-ресторанлар, меҳмонхонаю ҳаммомлар, газ ва бензин қуйиш шохобчалари қуриб олишган, унинг атрофида “Такси” хизматлари, ҳатто, саёҳат учун махсус автобусларни учратасиз. Шифохона теграсида “Эргаш ота” мижозларига турли хизмат кўрсатаман, деган тадбиркорлар ўртасида рақобат можаролари ҳам бўлиб туради. Лекин... дорихона йўқ! Нега? Бу не синоат?

Негаки, бу шифохонада мижозлар Турон фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, академик Бердиқул Эргашев табиий гиёҳлар асосида яратган малҳам ва фиточойлар билан даволанадилар.

*– Малҳам таркибида 32 та компонент мавжуд, **– дейди Б.Эргашев.** – Уларнинг барчаси табиий гиёҳлар. Бу шифобахш гиёҳларнинг аксарияти ўлкамизда ўсади. Бизда мавжуд бўлмаганларини хориждан оламиз. Бобомиз Эргаш отанинг ўгитлари, тажрибалари асосида у кишининг беморларни даволаганда ишлатган малҳам таркибини такомиллаштирдик: малҳамга янги компонентлар қўшилди. Энди унинг инсон ички аъзоларидаги ғуборларни, қурумларини тозалайдиган, ҳатто ўсма хасталикларини профилактик йўл билан олдини олиш, даволашда фойда берадиган хусусиятлари ортди. Малҳамнинг асосий хусусияти шундаки, у жигар, ўт қопи, буйрак, сийдик йўлларини барча заҳарли моддалардан тозалайди. Улар тозалангач, кўпгина касалликларни келтириб чиқарадиган ОМИЛЛАР бартараф этилади.*

ТИББИЙ ТУРИЗМ БЎЙИЧА ЯНГИ РЕКОРД!

Дунёнинг турли гўшаларидан “Эргаш ота” шифохонасига даволаниш учун келаётган фуқаролар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2023 йил хориждан даволаниш учун 5 548 нафар мижоз келган бўлса, 2024 йили 8 772 нафар шифоталаб ташриф буюрди. 2025 йилда эса 9 409 нафар мижоз ташриф буюриб, тиббиёт туризми бўйича рекорд даража қайд этилди!

Б. Эргашев бу хизмати билан Ўзбекистон ҳаво йўллари, темир йўллари, автопарклар ва бошқа муассасаларнинг ҳам даромад олишига сабаб бўлмоқда. Мижозлар марказда нафақат шифо топишмоқда, балки дардлари енгиллашгач, якшанба кунлари Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларидаги қадамжоларга саёҳатга чиқишмоқда. Улар учун такси ва автобуслар хизмат қилмоқда. Қисқаси, хориждан келиб даволанаётгани, уларнинг зиёратлари Бердиқул Эргашевнинг Ўзбекистон туризми ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссасидир.

Тадбиркор шифокор янги имкониятлардан руҳланиб, кўп қаватли ва кўп юлдузли замонавий меҳмонхона қурди. Айни пайтда ободончилик ишлари олиб борилмоқда, мижозларга яратилажак шароитларни янада яхшилаш мақсадида меҳмонхонага қўшимча даволаш корпуси қурилиши якунланмоқда.

Мазкур меҳмонхонанинг ишга туширилиши нафақат Ўзбекистон тиббий туризмини ривожлантирди, балки ўз қорақўзларимиз оиласини тебратиши учун манба бўладиган иш ўринларини яратди.

Қувонарлиси шуки, бугун дунё халқи Ўзбекистонни яна бир маскан – “Эргаш ота” тиббий маскани орқали ҳам таний бошлади. Бир келган хорижлик ҳар йили чуқур ихлос ва янги ҳамроҳлари билан келиб даволанмоқда. Раҳматлар айтиб, соғлом тана ва руҳ билан ўз юртига қайтиб кетмоқда.

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

Бош шифокор Бердиқул Эргашев ҳар бир мижозга Ибн Синолар қўллаган усулда ташхис қўяди. Лекин унинг ташхисларини исталган бемор қайта текшириб кўриш имкониятига эга. Бунинг учун энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган диагностика марказида барча шароит муҳайё. Яқинда масканга сўнгги русумдаги яна бир аппарат олиб келинди.

*– “Toshiba” фирмасининг “Vantage Titan 3T” МРТ ускунаси нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ҳозирча ягона эканлигини мутахассислар таъкидлашмоқда. Унинг мавжудларидан фарқи шундаки, диаграммаси катта, иш тезлиги ва аниқлиги бўйича сифати юқори. Авваргисида битта жой белгиланиб олиниб, суратга туширил(сканерлан)ган бўлса, бунда ҳамма жойни бирйўла олиш мумкин. Қулоқчинлар шовқин ўтказмайди, ёқимли мусиқа эшитилиб туради. Аввалгилари 110 килогача бўлган мижозларни кўтарган бўлса, янгиси 200 килогача кўтара олади. Аввал бемор бир хил – осмонга қараб ётқизилган бўлса, бунда ёнбошлатиб ёки бошқача тарзда жойлаштириш мумкин. Аввал ичкарига фақат бош томондан жойлаштирилган бўлса, бунда оёқлар томондан ҳам жойлаштириш мумкин, **– дейди биз билан суҳбатда ускуна оператори Шерзод Қувондиқов.***

“Toshiba” фирмаси томонидан ишлаб чиқилган “Aplio 500” УТТ рангли аппарати ёрдамида эса қўшимча диагностика тарикасида жигар, буйрак, юрак, ошқозон ости бези ва бошқа барча ички аъзолардаги жараёнлар аниқланиб, касалликларга ташхис қўйилади.

Б.Эргашевнинг жаҳон тиббиётидаги янгиликларни кузатиб, малакасини ошириб бориши натижасида марказда нафақат замонавий ташхислаш, балки даволаш техникалари ҳам мос равишда қўлланилади. Масалан, Европада ишлаб чиқилган “Тўлқинли зарбали терапия” аппарати умуртқа поғонасидаги муаммоларни бартараф этишда, оғриқларни йўқотиш, тузларни эритишда самарали. Ёки Криолиполиз (Cryolipolysis) махсус тиббий-косметологик ускуна бўлиб, у маълум ҳароратда (одатда -5°C дан -10°C гача) тери остидаги ёғ ҳужайраларини совитиш орқали йўқ қилиш вазифасини бажаради. Совуқ таъсири орқали тананинг маълум қисмидаги ёғ ҳужайраларини парчалайди ва бу усул ёғ қатламларини йўқотишда кенг қўлланилади. Бунда қорин, бел, сон, елкада сақланиб қолган, спорт ва парҳезга қарамасдан кетмаётган ёғларни йўқотиш мумкин. Бундан ташқари яна бир қанча муолажа ускуналарини санаш мумкинки, катта клиникаларда ҳам уларнинг бундай жамламаси камдан кам учрайди.

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Катта жамоани бошқаришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Раҳбар лавозимидаги шахс жамоа, иш жараёни ва натижалар учун жавобгардир. Бу ҳақда узоқ йиллардан буён Бердиқул Эргашев раҳбарлигида меҳнат қилаётган ҳамкасби Аҳрор Раҳмонов фикрига эътибор қаратамиз:

- Мен Бердиқул Эргашев билан 28 йилдан буён ишлайман. Тиббиёт муассасаси раҳбари, бош шифокорлик жуда муҳим ва масъулиятли лавозим саналади. Унинг вазифалари нафақат тиббий хизматларни ташкил қилиш ва назорат қилиш, балки бутун муассасанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳисобланади. Барча йўналишлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўладими, даволаш ва ташхис қўйиш жараёнларини назорат қилиш, ходимларни танлаш, интизомни таъминлаш, иш самарадорлигини баҳолаш, ходимларнинг малакасини ошириш бўладими ҳаммасига улгуради. Тиббий марказнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, янгиланган тиббий технологияларни жорий этишга жиддий эътибор қаратади. Бош шифокоримиз меҳрибон инсон, ходимларга адолатли муносабатда бўлади, шу билан бирга, жамоани бошқариш, қарор қабул қилишда қатъиятли. Талаб билан бирга рағбатлантиришни ҳам унутмайди. Муҳтож ходимларга эҳсонини, тўй-маъракаларида ёрдамини аямайди. Шу боис ҳар биримиз сидқидилдан ишлашга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, мактабларга ёрдам беради. Яқинда унинг ҳомийлигида ўзи истиқомат қиладиган маҳалланинг йўлларига асфальт ётқизилди.

ЯХШИЛИК ИНСОН ҲАЁТИНИНГ МОҲИЯТИДИР

Юртимизда хусусий тиббий масканларни ривожлантириш бўйича берилган имкониятлар айни муддао бўлибдики, буни Б.Эргашев ҳар икки гапида шукроналик билан таъкидлайди. Ҳукумат ҳам унинг ишларини беэътибор қолдирмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонига асосан, тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий таблаблар асосида такомиллаштириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига қўшган улкан ҳиссаси учун Бердиқул Эргашев I даражали “Саломатлик” ордени билан тақдирланди.

Шифокор ҳафтанинг олти кунида эртадан то кеч инсонлар соғлиги учун ўз умрини бағишлаяпти!

Ўз ҳаётини одамлар оғирини енгил қилиш учун сарфлаш эса яхшиликнинг аслидир. Яхшилик эса инсон ҳаётининг моҳиятидир.

Ҳалим САЙИД,
“Олтин қалам”
миллий мукофоти
совриндори.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Меҳрга зор қалбларга умид улашиб...

Инсон олдидан чиққан жарликдан қўрқмай ўтиши учун кўприк мустаҳкам бўлиши керак. Шундай экан, “маҳалла еттилиги” ходимлари ҳам, биринчи навбатда, фуқаролар меҳрини, ишончини қозона олиши лозим. Чунки биз халқ ва давлат ўртасидаги боғловчи кўприкмиз.

Ситора АКБАРОВА,
Мингбулоқ туманидаги “Толлик” маҳалласи ижтимоий ходими.

Фаолиятимни мана шу мезон асосида олиб боряпман. Ижтимоий ходим сифатида ҳар бир мурожаатчига умид бағишлашга интиламан. Айтиш керакки, маҳаллада ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим иш бошлагани кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг муносиб турмуш кечиришида муҳим омил бўляпти.

Бу тоифадаги инсонларнинг муаммолари “кейс-менежмент” асосида ўрганилиб, уларга зарур ёрдам кўрсатиляпти. Натижада эҳтиёжманд ва ногиронлиги бор юртдошларимизнинг турмуши изга тушяпти.

Маҳалламиз туман марказидан 30 километр узоқликда жойлашган. Ижтимоий ҳимояга йўналтирилган ўнлаб “мураккаб кейс”ларда ана шу каби муаммоларга ижобий ечимларни таклиф этяпман. Ўзига хос кичик лойиҳалар ҳам фуқаролар оғирини енгил қилишга қаратилган.

Масалан, оддий пойабзал таъмирлаш устахонаси йўқлиги учун одамлар олис масофага қатнарди. Ногиронлиги бўлган Баҳром Пўлатов билан суҳбатлашиб, қизиқишини сўраганимда, косибчиликдан хабари борлигини аниқладим. Болалигида шогирд сифатида шу ҳунарни ўрганган экан. Унга кўмаклашдим, натижада косибчилик устахонаси очди. Ҳозир кунига 100 минг сўм даромад қиляпти. Бу билан чекланиб қолмадик. “Камбағал оилалар реестри”га кирган оилаларнинг 8 нафар ногирон фарзанди косибга шогирд қилиб бириктирилди.

Бундан ташқари, Ботирали Исоқбоев хонадонига кўрсатилган ижтимоий хизматлар туфайли оила оғир вазиятдан чиқиб олди. Бу хонадонда бўлганимда, оила бошлиғи жигар хасталиги билан оғриганини билдим. Шу сабабли у инсонга ногиронлик нафақаси тайинланишини таъминладик. Зарур тиббий ёрдам кўрсатилишига эришдик. Фарзандлари имтиёзли тарзда боғчага қабул қилинди. Ботирали Исоқбоевнинг қизиқишини сўраганимда, чорвачиликка иштиёқи борлигини, лекин имконияти йўқлигини айтди. Ҳомийлар ёрдамида оилага она-бола сигир берилди. Турмуш ўртоғи Мадина Исоқбоева ҳам ишга жойланди.

Биргина шу каби эътибор туфайли оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган кўплаб оилалар давлат эътибори ва ғамхўрлигини қалбдан ҳис этяпти. Бу эса бизга куч-қувват беради, фаолиятимизни янада кучайтиришга ундайди.

“A1” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун тўғридан-тўғри ИМТИҲОНЛАРНИ ТОПШИРИШ ҲУҚУҚИ берилади.

Адлия вазирлиги Медиаторларнинг КАСБ ЭТИКАСИ ҚОИДАЛАРИНИ давлат рўйхатидан ўтказди.



Нотариал ҳаракатларни ОНЛАЙН ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ расман йўлга қўйилди.

Mahalla №2

2026 ЙИЛ
10 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

КУН МАВЗУСИ

Хавфсизликка барча бирдек жавобгар

Ўтган йили маҳаллаларда жиноятчилик 1,5 бараварга камайди. 3 503 та маҳаллада биронта жиноят содир этилмади. Албатта, бу — мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Шароф ЎРОЛОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи.

Бироқ криминоген вазияти оғир маҳаллалар ҳали ҳам бор. Шу боис бутун тизимни пастга тушириб, ҳар бир маҳаллани “жиноятчиликдан холи ҳудуд”га айлантириш белгиланди. Бу борада Президентимизнинг жорий йил хавфсиз ҳудудга айлантириш йўлидаги стратегик қадам бўлди.

Мазкур ҳужжатга асосан, ижтимоий профилактика самарадорлигини ошириш устувор вазифа этиб белгиланди. Эндиликда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш орқали жиноятчилик кескин камайтирилади. Оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳамда аёллар ва ёшлар содир этаётган жиноятларнинг асл омиллари илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилинади, бу орқали уларнинг барвақт олдини олиш бўйича **янгича ишлаш тизими яратилади.**

5 январда қабул қилинган **“Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори юртимиздаги ҳар бир маҳаллани чинакам

Бундан буён раҳбарларнинг ўтирган хоналари маҳаллаларга “кўчади”. Чунки янги тизимга кўра, вазият энг оғир бўлган “қизил” маҳаллалар **“маҳалла – туман – вилоят”** даражасида юқори бўғин раҳбарларига номма-ном бирикти-рилди. Масалан, **криминоген вазияти оғир маҳаллаларга** туман (шаҳар) ҳокимлари, прокурорлари ҳамда ички ишлар органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, **беш йилдан буён “қизил” тоифада бўлаётган маҳаллаларга** шахсан Миллий гвардия бошқарма бошлиғи, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари ҳамда ҳокимларнинг ўринбосарлари масъул бўлади.

Уч йилдан буён “қизил” тоифада қолаётган маҳаллаларга “илмий хулоса – тавсия – натижа” тамойили асосида ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотлари бириктирилди. Бу ёндашув жиноятчиликнинг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқарувчи илдизи билан курашишга хизмат қилади. Шунингдек, **криминоген вазияти энг оғир туман ва шаҳарларга** вилоятлар даражасидаги прокурорларнинг ва ички ишлар органлари раҳбарларининг биринчи ўринбосарлари, **аёллар жиноятчилиги, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар жиноятчилиги ҳамда низоли оилалар салмоғи энг юқори бўлган маҳаллаларга** тегишинча вилоятлар даражасидаги оила ва хотин-қизлар, соғлиқни сақлаш ҳамда адлия бошқармалари бошлиқлари жавобгар бўлади. Бу тизим муаммони юқори даражада ва тезкор ҳал этиш имконини беради.

Шунингдек, ҳокимлар зиммасига ҳар ойда камида иккита “оғир” маҳаллага бориб, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш вазифаси юкланди.

Қарор асосида **“Менинг инспекторим”** иловаси яратилади. Аҳоли ушбу илова орқали ўз инспектори билан **онлайн мулоқот қилиши, фото, аудио, видео ва ташвиш хабарларини юбориши** ҳамда унинг фаолиятига баҳо бериши мумкин. Шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида низоли оилалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш имконини берадиган “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизимининг **“E-nizoli oila”** модули жорий этилади. Ушбу модул судлар ўртасида тўғридан-тўғри интеграция қилинади.

Эндиликда жиноятни яширган ёки ҳисоботларни сохталаштирган раҳбарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилади. Шу билан бирга, ўз маҳалласида жиноятчиликни жиловлаган ва аҳоли розилигига эришган намунали ходимлар маҳаллий бюджет ҳисобидан бир ойлик иш ҳақи миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Бир сўз билан айтганда, эндиликда маҳаллалар хавфсизлиги учун нафақат соҳа ходимлари, балки ҳокимликдан тортиб, илмий муассасаларгача бўлган барча бўғинлар бирдек жавобгар бўлади. Бу эса ҳар бир фуқаронинг ўз маҳалласида хотиржам ва фаровон яшашига хизмат қилади.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

НАЗОРАТ ЖАЗО ЭМАС, ҲУҚУҚИЙ КЎМАК ДЕМАК

Ҳар бир иш куним эрта саҳардан бошланади. Аввало, маҳалладаги вазиятни кўздан кечириб, кўча бошилари ва фаоллардан тун қандай ўтгани, кимнинг қандай муаммоси борлигини сўрайман. Чунки профилактика жиноят содир этилганидан кейин эмас, балки унинг олдини олиш демакдир.

Жавоҳир ХОЛМЎМИНОВ,
Шароф Рашидов туманидаги “Кўрпасой” маҳалласи профилактика инспектори.

Сўнг маҳалла идорасига келиб, раис бошчилигида “маҳалла еттилиги” аъзолари билан биргаликда кунлик қилинадиган ишларни ўзаро тақсимлаб оламиз. Шу асосида ички ишлар органлари назоратида турган шахслар билан яқиндан ишлаймиз, илгари адашган, нотўғри йўлга кириб қолган фуқаролар билан суҳбат қуриб, уларни жамиятга қайта мослашга кўмаклашамиз. Уларнинг ҳар бири ҳақида “еттилик” аъзоларига ўз йўналишлари бўйича ижтимоий профилактик хулоса бериб, ижтимоий-маиший муаммоларини биргаликда ҳал этамиз.

Айрим инсонлар назоратни жазо, деб ўйлайди. Аслида эса профилактика инспектори муаммоси бор шахсга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади, ишсиз бўлса тегишли ташкилотларга йўналтириб, оилавий келишмовчилик бўлса, ярашувга чорлайди. Фаолиятимизнинг энг нозик жиҳатларидан бири – нотинч, низоли оилалар билан ишлашдир. Чунки бир қарашда оддий туюлган оилавий жанжал эртага оғир жиноятга айланиб кетиши мумкин. Шу боис бундай оилаларга бефарқ қарамаймиз. Суҳбатлар ўтказиб, ота-оналарга масъулиятни, фарзандлар тақдирини эслатиб борамиз. Тинчлик ва ўзаро ҳурматнинг қадрини тушунтирамиз. Ана шундай тарғиботлар натижасида ўтган йили иккита оила яраштирилди, ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилиб, даромадли қилинди.

Жаҳон ва ўзбек адабиётларини мунтазам ўқиб бораман. Чунки китоб ўқиш профилактика инспекторининг дунёқарашини бойитади, турли характердаги одамлар билан мулоқотга киришиш жараёнида асқатади. Қолаверса, мутолаа завқи китобхонлик беллашувларида фахрли ўринларни эгаллашимга ёрдам беряпти.

Тинч маҳалла ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик маҳсулидир. Шу боис “еттилик” аъзолари билан биргаликда ҳудуддаги муаммоларни доимий муҳокама қилиб борамиз. Фуқароларнинг ҳар бир мурожаати, таклифи эътиборсиз қолдирилмайди. Айниқса, оилавий маиший зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг, ўзаро бир-бирини ҳақоратлаб, тортишиб қолган фуқароларнинг, қарз олди-берди ҳамда кибержиноятларга оид аризалар тезкор ҳал этилади. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Фаолиятимизда ёшлар билан ишлаш ҳам алоҳида ўрин тутади. Чунки маҳалламиз ёшларини турли иллатлар чангалига ташлаб қўйишга асло ҳаққимиз йўқ. Шу боис мактаб ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ёш авлодни салбий иллатлардан асраш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида турли учрашувлар, тадбиру мусобақалар, профилактик суҳбатлар ўтказяпмиз.

Ҳар бир иш кунимиз маҳаллада тинчлик, хонадонларда хотиржамлик, инсонлар қалбида ишонч уйғотишга қаратилган. Шу боис 2025 йил бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Буларнинг барчаси – “еттилик” ҳамкорлигида қилинган ишлар самарасидир. Ана шу тинчликни асраш, ҳар бир хонадон хотиржам яшаши учун кечаю кундуз хизматдамиз.

БИЛАСИЗМИ?

Ижтимоий профилактика самарадорлиги қандай оширилади?

Ижтимоий профилактика – ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли бўлган фуқароларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Хўш, ижтимоий профилактикани самарали амалга ошириш учун нима қилиш керак? Аввало:

– маъмурий ҳуқуқбузарлик “E-ma’muriy ish”да рўйхатдан ўтганда ҳуқуқбузар (жабрланувчи)ларга автоматик ижтимоий профилактикани амалга ошириш бўйича хулоса ижрога қаратилади;

– ҳар бир хулоса ижроси устидан кунлик назорат ўрнатилади;

– “Маҳалла еттилиги” ва кўмаклашувчиларнинг фаолияти (KPI) ижтимоий профилактика натижалари асосида баҳоланади.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Шунингдек, маҳалла раиси “маҳалла еттилиги” ва маҳаллага бириктирилган давлат органлари билан ижтимоий профилактика тадбирларни ташкил этади. Криминоген вазияти оғир маҳаллаларда камида иккитадан “намунали хавфсиз кўча” ва бештадан “намунали хавфсиз йўлак”лар ташкил қилинади.

“Намунали хавфсиз кўча” ва “намунали хавфсиз йўлак”ларни ташкил қилган, криминоген вазияти барқарорлашган “маҳалла еттилиги” ва сектор раҳбарлари ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча моддий рағбатлантирилади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 800 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-120

ISSN 2010-7013